Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№18 (1452) 2023-YIL 11-MAY

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

t.me\o'zbekistondasog'liqnisaqlash

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан:

1. 2023 йил 9 июль кунига муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинлансин.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда.

*Давоми 2 - бетда▶*




### 10 МАЙДАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИ УЧУН САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида сайлов кампаниясини бошлаш ҳақида эълон қилинди. Сайлов округларини тузиш 15 майгача, сайлов участкаларини тузиш 25 майгача белгиланмоқда. Бундан ташқари, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тузилади.

Сиёсий партиялар ўз ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш учун сайлов кампанияси эълон қилинганидан кейин 3 кун муддат ичида Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиши керак бўлади. Сайловда иштирок этиш учун партиялар 15 майгача ҳужжатларни тақдим этишлари зарур. 17 май – 1 июнь оралиғида президентликка номзодлар кўрсатилади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## КОЛУМБИЯ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

**АҚШда хизмат сафарида бўлиб турган Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг навбатдаги учрашуви Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Колумбия университети раҳбарияти билан ўтказилди. Қайд этилганидек, ушбу олий ўқув юрти қарийб 270 йиллик тарихга эга. Муассаса жаҳон рейтингида юқори поғоналарни банд этиб келмоқда. Қолаверса, у Қўшма Штатлардаги энг йирик тадқиқот муассасаси ҳисобланади.**



Бу ерда бакалавриат, магистратура ва докторантура босқичлари бўйича 18 та факультетда таҳсил олаётган талабалар сони 33 минг нафардан ошади. Уларнинг 11минг нафардан зиёди хорижий давлатлар фуқароларидир. Колумбия университетининг асосий кампуси Нью-Йоркнинг нуфузли тумани – Манхеттенда жойлашган. Вашингтон-Ҳайтс тиббиёт маркази эса асосий тадқиқот муассасаларидан бири ҳисобланади. Ўқув юрти битирувчилари орасидан 104 нафар Нобель мукофоти, 30 нафар давлат раҳбари, жумладан, АҚШнинг тўрт нафар президенти чиққан. Жаҳон фармацевтика бозорида университет олимларининг кашфиёт ва ихтиролари (артрит, глаукома, саратон муолажасида қўлланиладиган дорилар ва ногиронлиги бор шахслар учун протезлар) ном қозонган.Учрашувда тўртта йўналиш – соғлиқни сақлаш, менежмент, ҳамширалик иши ва стоматология бўйича юртимиздаги барча тиббиёт олий ўқув юртлари, хусусан, Тошкент давлат стоматология институти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилди.

### ИНТЕРАКТИВ ЭШИТУВЛАРДА АМРИЛЛО ИНОЯТОВ МАЪРУЗА ҚИЛДИ




БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган туберкулёзга қарши кураш бўйича юқори даражадаги мажлисига тайёргарлик кўриш юзасидан ташкил этилган интерактив эшитувларда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов маъруза қилди.

Мамлакатимиз ҳамраис бўлган ушбу тадбирда Ўзбекистоннинг силга қарши кураш бўйича тажрибаси, пульмонология соҳасидаги ислоҳотлари БМТ, ЖССТ доирасида ва халқаро миқёсда яна бир бор юксак баҳоланди ҳамда бошқа мамлакатларга намуна сифатида эътироф этилди.

## ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЮРТИМИЗДА ТИББИЙ ГЕНЕТИКА МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегациянинг АҚШга хизмат сафари давом этмоқда. Вакилларимиз дастлабки мулоқотни дунёнинг энг нуфузли ва қадимий олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган Гарвард университети раҳбарияти билан ўтказди.**

*Давоми 3 - бетда▶*



*Бугунги сонда:*









№18 (1452)
2023-yil 11-may
O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

←*Давоми. Боши 1 - бетда*

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Референдум кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси бўлди.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принципларини жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:

**1.** Янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг **биринчи навбатдаги устувор вазифаси** этиб белгилансин.

**2.** Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун **шахсан жавобгар** ҳисобланади;

янги таҳрирдаги Конституция **олий юридик кучга эга** эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади**;

янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўлламаслик **рад этиш қатъиян тақиқланади**.

**3. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4**. Қуйидагилар:

**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Давлат комиссияси** (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) 2-иловага мувофиқ таркибда;

**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашлари** (кейинги ўринларда – экспертлик кенгашлари) 3–7-иловаларга мувофиқ таркибларда тузилсин.

**5.** Белгилансинки, Давлат комиссияси:

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашларининг янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишда кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва хорижий экспертлар иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратади;

янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш доирасида қилинган ишларни кенгайтирилган тарзда **йилига камида икки маротаба танқидий муҳокама қилиб боради** ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашлари раҳбарларининг **ҳисоботларини эшитади**.

**6.** Экспертлик кенгашлари (Т.Нарбаева, Н.Исмоилов, Н.Йўлдошев, Ж.Қўчқоров, А.Ташкулов):

**2024 йил 1 январга қадар** ўрта ва узоқ истиқболли **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий** ва **дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари** ишлаб чиқилиши ва Давлат комиссиясига киритилишини таъминласин;

янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг устувор принциплари** ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида **акс эттирилиши устидан мониторинг** олиб борсин;

янги таҳрирдаги Конституция ва дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чоракда Давлат комиссиясига **ҳисобот** киритиб борсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти** янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш жараёнини ахборот-таҳлилий, илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлаш учун **масъул** этиб белгилансин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **илмий экспертизадан ўтказиш**;

давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини **мониторинг қилиб бориш**;

янги таҳрирдаги Конституция асосида **янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш** бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш.

8. Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпусини шакллантиришнинг **мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизимини** жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир ой муддатда мажоритар-пропорционал шаклга асосланган сайлов тизимига ўтишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

**9.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 32-моддасида белгиланган **мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи** тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) **икки ой муддатда "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида**"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) **бир ой муддатда фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилиш тартибини** жорий этишга қаратилган **мутлақо янги механизмларни** назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини тақдим қилсин.

**10.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 78-моддасида белгиланган болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга оид қоидаларни амалга ошириш мақсадида **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб** республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг **маданий мерос объектларига**, жумладан кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига **тўловсиз кириш тартиби жорий этилсин**.

Олий Мажлис палаталарига бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, боланинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлиқ ривожланиши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш мақсадида "**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида"ги қонун** лойиҳасини қисқа муддатда қабул қилиш тавсия этилсин.

**11.** Фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституциянинг 50-моддасида белгиланган **таълим олиш ҳуқуқлари** кафолатларини янада кучайтириш мақсадида **2023 йил 1 августдан** бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтириладиган тўловлар **солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилсин**.

**12.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 41, 65–67-моддалари талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик мақсадида 2023 йил 1 июндан бошлаб қуйидагилар **бекор қилинсин:**

тўлов хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмалари амалга оширилганда, уларга кўрсатилган хизматлар учун **электрон ҳисобварақ-фактуралар тақдим этиш ва расмийлаштириш** тартиби;

**чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг** фаолият кўрсатиш **вақтига** нисбатан чекловлар.

**13**. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Марказий банк (М. Нурмуратов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов), Табиат ресурслари вазирлиги (А. Абдухакимов) билан биргаликда **икки ой муддатда** "яшил молиялаштириш" механизмларини татбиқ этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда шу жумладан **"яшил сертификат", "яшил кредитлар"** ва халқаро тажрибада кенг фойдаланиладиган бошқа институтларни назарда тутсин.

**14**. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида белгиланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини **суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатларини** янада кучайтириш мақсадида **2024 йил 1 январдан** бошлаб, маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан **давлат божини ундирмаслик,** бунда давлат божини ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилсин.

Олий суд (Б. Исламов) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда **2023 йил 1 октябрга** қадар ушбу бандда назарда тутилган масала бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

**15**. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 21-моддасида белгиланган **ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини** ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда:

**икки ой муддатда** маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик чораларини бекор қилиш;

**2024 йил 1 январга қадар**

*Давоми 3 - бетда*→

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

←Давоми. Боши 1 ва 2 - бетларда

қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиб, унда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини мутаносиблик принципига мувофиқлаштириш бўйича **таклифлар киритсин**.

**16.** Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда **икки ой муддатда** янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида белгиланган давлатнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитларни яратиш мажбурияти тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган механизмларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

**17.** Янги таҳрирдаги Конституциянинг 26-моддасида белгиланган инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Олий суд (Б. Исламов) ва Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда **2023 йил 1 августга қадар** қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда шахсни **хибсхонага жойлаштиришдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини** жорий этиш бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

**18.**Янги таҳрирдаги Конституция 142-моддаси талабларидан келиб чиқиб:

**а)** жиноят процессида **ҳимоячининг мақомини кучайтириш** мақсадида, унга қуйидаги **қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар** берилсин:

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи томонидан исталган вақтда **жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха** олиш;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) **учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома** киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида **терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш;**

иш бўйича шартнома асосида суд **экспертизалари ўтказилишини** ва зарур билимга эга **мутахассислар жалб қилинишини** ташкиллаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан **махсус техника воситаларидан фойдаланиш;**

**б)** адвокатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб** олий таълим ташкилотлари юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақтда **адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб бориш**га рухсат этилсин.

Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳимоячининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб бориш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

**19.** Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Миллий гвардия (Р. Джураев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда **бир ой муддатда** ушланган ва тергов остида бўлган шахснинг конституциявий процессуал ҳуқуқларини батафсил тушунтириб берувчи **кўргазмали материалларнинг** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, тергов идоралари биноларида фуқароларга кўринадиган тарзда жойлаштирилишини таъминласин.

**20.** Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахманов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2023/2024 ўқув йили бошлангунига қадар**:

барча таълим турлари ва босқичларидаги **Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режалари ва таълим дастурларини** қайта кўриб чиқиш ва уларни янги таҳрирдаги Конституция норма ва қоидаларига мослаштириш;

ўқувчиларга, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий методика асосида **дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиётларни яратиш** чораларини кўрсин.

Мазкур банддаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

**21.** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (Ғ.Мирзаев) Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **2023–2024 йилларда янги таҳрирдаги Конституция бўйича давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш режаси**ни тасдиқласин:

**алоҳида** график асосида барча бўғиндаги **давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларига** янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқитишни ташкил этиш;

давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг **конституциявий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва баҳолаш тизимини** янги таҳрирдаги Конституцияга мослаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш.

**22.** Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг **янги таҳрирдаги Конституциянинг моддама-модда илмий-амалий шарҳини** тайёрлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**Янги таҳрирдаги Конституциянинг моддама-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш бўйича таҳрир кенгаши** 8-иловага мувофиқ таркибда шакллантирилсин ва унинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти белгилансин.

Таҳрир кенгаши (М. Рахманкулов):

шарҳни тайёрлашда **янги таҳрирдаги Конституциянинг кўп миллатли халқимизни бирлаштиришдаги салоҳиятини**, унда ўз аксини топган **суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини очиб беришга, шунингдек, унинг матни аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар учун **тушунарли ва содда тилда** бўлишига эътибор қаратсин;

етакчи миллий ва хорижий экспертлар, ҳуқуқшунослар ва давлат арбобларини жалб этган ҳолда, **2023 йил 1 декабрга қадар** шарҳ матни тайёрланишини ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда чоп этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

**23.** Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М.Рахманкулов) ва Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) **2023 йил 1 июнга қадар** ўзбек ва хорижий тилларда "**Янги Ўзбекистон Конституцияси**" ягона миллий портали (кейинги ўринларда – портал) ва унинг **мобил иловаси** ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, портал ва унинг мобил иловасида фуқаро ва тадбиркорлар учун қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш ҳамда уни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этиш имконияти назарда тутилсин.

**24.** Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М.Рахманкулов) билан биргаликда **уч ой муддатда** қонуности ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ҳамда **порталга келиб тушган таклифларни умумлаштириш натижаларига кўра** янги таҳрирдаги Конституцияга **мувофиқлаштирилиши лозим бўлган нормаларни қайта кўриб чиқиш** бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**25.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида янги таҳрирдаги Конституциянинг ҳаётга татбиқ этиб борилиши, шу жумладан аҳолининг турмушидаги ижобий ўзгаришларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**26.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб дастурда ижрочи сифатида назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва экспертлик кенгашлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С. У. Умурзаковга юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

*Тошкент шаҳри,*
*2023 йил 8 май*

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЮРТИМИЗДА ТИББИЙ ГЕНЕТИКА МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

Айтиш жоизки, Массачусетс штатида жойлашган мазкур муассаса 1636 йилда асос солинган. Бу ерда 21 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олади. Хусусан, университетнинг Бостон шаҳридаги Гарвард тиббиёт мактабида соғлиқни сақлаш соҳасининг деярли барча йўналишлари учун мутахассислар тайёрланади. Ушбу муассаса битирувчилари орасидан 75 нафар Нобель мукофоти совриндори, АҚШнинг саккиз нафар президенти чиққан.

Учрашувда мазкур университет билан кенг кўламли ҳамкорлик бўйича қатор келишувларга эришилди. Хусусан, Гарвард геномика маркази билан тиббий-генетика соҳасидаги келишув юртимизда ушбу йўналишни тизимли равишда йўлга қўйиш учун муҳим асос бўлди. Айтиш керак, мазкур ҳамкорлик юртимизда тиббий генетика бўйича марказ ташкил этиш, уни энг сўнгги ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, АҚШ университетида ўзбекистонлик мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ўз ичига олади.

**Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими раҳбар кадрларини ўқитиш, тиббий генетика мутахассислари малакасини ошириб, улардан тренерлар тайёрлаш, таълим бўйича Гарвард университети билан юртимиздаги соҳага дахлдор олий ўқув юртлари, ихтисослашган марказлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий алоқаларни кенгайтириш режалаштирилди.**

@ssvuz

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ АМАЛДА

# МАҚСАД – ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭРИШИШ

## *Бунга барчамиз бирдек масъулмиз*

**Маълумки, ўтган ҳафта Навоий вилояти Кармана туманида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракатни тадбиқ қилиш бошланган эди. Мазкур фаолиятларни мамлакатимиз миқёсида намуна сифатида тадбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида Кармана туманининг 43 та маҳалласида, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракатини амалга ошириш бўйича ўқув семинарлари олиб борилди.**









Унда тумандаги кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари бош шифокорлари, бош ва катта ҳамширалари шунингдек, саломатлик тарғиботчиларидан иборат 150 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Таъкидлаш муҳимки, республика бўйича илк бор Кармана тумани мисолида жорий этилаётган ушбу тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи умуммиллий ҳаракатини амалга оширишга худди шу куни старт берилди. Тадбирларнинг илк қадами бошлаб юборилди. Кармана туман тиббиёт бирлашмасининг 1-сонли оилавий поликлиникаси ва ҳудудидаги "Уйрот" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ушбу умуммиллий ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари бўйича асосий фаолиятлар йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 5 май куни Навоий вилояти Кармана туманининг 1-сонли оилавий поликлиникаси ҳамда “Уйрот” маҳалласига ташриф буюрганимизда у ердаги аҳоли ҳамда тиббиёт ходимларининг байрамона кайфиятда эканлигини кўриб мамнун бўлдик. Стадионда музика садолари остида маҳалла аҳолиси ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шифо масакнларидан ташриф буюрган, соҳа ходимларининг жисмоний фаоллик бўйича бажараётган машқларни кўриб, ҳақиқатан ҳам мазкур тадбирларнинг бошланганлигига ишонч ҳосил қилдик. Машғулотлар тугагач, 1-сон оилавий поликлиника ва маҳалла ҳовлисига кириб борганимизда, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга доир кўргазма столларини кўздан кечирганимизда умуммиллий ҳаракатининг мақсад ва моҳиятлари яна нималардан иборат эканлигини чуқур англаб етдик. Ушбу дақиқаларда пойтахтимиздан ташриф буюрган Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситханова ҳам мазкур ҳолатлар билан танишиб, аҳоли ҳамда тиббиёт ходимлари билан суҳбатда бўлди. Ундан сўнг “Уйрот” маҳалласининг мажлислар залида умуммиллий ҳаракатининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлиги тўғрисида туман тиббиёт бирлашмалари бош шифокорлари ва тиббиёт муассасаларининг бош ҳамшираларига чуқур маълумотлар бериб ўтди. - Таъкидлашим муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қадамма-қадам режалар белгилаб олинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг умуммиллий ҳаракати бўйича йўл харитаси белгилаб олинди. Мазкур умуммиллий ҳаракатни мамлакатимиз бўйлаб татбиқ қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, биринчи қадамни Навоий вилоят Кармана туманидан бошладик. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари иштирокида вилоятнинг Кармана туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сон оилавий ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари ҳамда “Уйрот” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бошладик ва уларни намуна сифатида татбиқ қилмоқдамиз. Бу жараёнда маҳалла ва асосий ижрочи бўлган тиббиёт бригадалари, қолаверса, аҳоли, тарбиячи ва ўқитувчи-педагоглар ҳамкорликда фаолият олиб боришимиз зарур. Умуммиллий ҳаракатнинг мақсад ва моҳияти катта вазифаларни ўз ичига қамраб олган. Бир сўз билан айтганда аҳоли орасида касалликларни олдини олиш баробарида инсонлар саломатлигига эришишдир, - дейди **Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситханова.**

Шунингдек, вазир ўринбосари Эльмира Баситханова бу каби мақсадли ишларда тиббиёт ходимлари ва аҳолининг ўрнида алоҳида бўлишини таъкидлаб, вазирликнинг Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаментининг бирламчи тиббий - профилактика ёрдамини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Барно Одилова** бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан мақсадли равишда намуна сифатида тадбиқ қилинган ишларга алоҳида эътибор қаратди. Кармана туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 1-сонли оилавий ва Кармана туман кўп тармоқли марказий поликлиникалар ва "Уйрот" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан бошлаб юборилган фаолиятларда умуммиллий ҳаракатининг қизғин равишда бошлаб юборилганини алоҳида эътироф этди. Семинар давомида вазир ўринбосари ушбу тадбирларда фаол иштирок этган бир гуруҳ маҳалла фаоллари ва тиббиёт ходимларига ташккурномалар ва "Уйрот" маҳалласида соғлом турмуш тарзи тамойилларига амал қилган хонадонларга ҳам ташаккурнома ва эътирофли номинацияларини топширди. – Кармана туман тиббиёт бирлашмамиз тасарруфидаги оилавий ва марказий поликлиника ҳамда “Уйрот” маҳалла фуқаролар йиғинининг умуммиллий ҳаракат тадбирига республикамиз бўйича илк бор намуна сифатида қўйилиши албатта қувонарли ҳолдир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташриф буюрган ишчи гуруҳ мутахассисларидан тиббиёт ходимларимиз тадбирнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда амалдаги фаолияти бўйича кўп нарсаларни ўрганиб олди, десам хато бўлмайди, – **дейди Кармана туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Исомиддин Нодиров.**

Куннинг иккинчи ярмида вазир ўринбосари ва тадбир иштирокчилари семинар доирасида тумандаги 1-сонли оилавий ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларда бўлиб, умуммиллий ҳаракати бўйича фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг ишлари ҳамда ташкил қилинган врач олди кўрув хонаси, аёллар маслаҳатхонаси, жисмоний фаоллик ва саломатлик хоналари билан яқиндан танишдилар. Вазир ўринбосари тиббий бригада ҳамширалари билан суҳбатлашиб, умуммиллий ҳаракати тамойилларининг мақсад ва фаолиятлари нималардан иборат эканлигига эътибор қаратиб, муҳим тавсия ва маслаҳатларини берди.

Айниқса, Кармана туман кўп тармоқли марказий поликлиникада тадбир дастури асосида ташкил қилинган фаолиятлар кенг қамраб олинганлиги иштирокчилар эътиборидан четда қолмади. Чунки туманлар бош шифокорлари ва бош ҳамширалари томонидан ушбу муҳим қадамлар татбиқ этилиши кўзда тутилганлиги ҳеч биримизга сир эмас. – Албатта, бу кенг аудиторияда татбиқ этилаётган “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракатининг илк бор Навоий вилояти Кармана туманидан бошладик. Бу ерда шундай тўғри танлов бўлдики, тумандаги 1-сон оилавий поликлиникаси ва унинг ёнида жойлашган “Уйрот” маҳалласи ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси намуна сифатида олинди. Ишчи гуруҳимиз билан биргаликда маҳаллий ходимлар ҳамкорлигида умуммиллий ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари асосида ишларни бошлаб юбордик. Тумандаги 43 та маҳаллага 130 та ўрта тиббиёт ходимларини бириктирдик. Масъул ходимлар учун семинарлар олиб бордик. Мазкур туманда 32 та ўрта таълим мактаблари, 28 та ва 91 та нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва ташкилотлар жойлашган. Поликлиникаларда саломатлик мактаби, жисмоний фаоллик, аёллар маслаҳатхонаси, тўғри овқатланиш ҳамда скрининг хоналари ташкил этилди. Улар кўргазмали материаллар ва жиҳозлар билан таъминланди. Қисқа қилиб айтганда, патронаж ҳамширалари аҳоли орасида яъни 5 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар ва доимий назоратда турган беморлар ва аҳолининг кенг қатламига универсал прогрессив равишда фаолият олиб боришади. Ушбу умуммиллий ҳаракат бутун республикамиз миқёсида кенг татбиқ этилади, - дейди **вазирликнинг Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаментининг бирламчи тиббий - профилактика ёрдамини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Барно Одилова.**

Навоий вилоят Кармана туманида умуммиллий ҳаракат бўйича биз ҳам ташриф буюриб, тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини ва оилавий поликлиникада саломатлик мактабларини, шунингдек, туман кўп тармоқли марказий поликлиникада профилактик мактабларини ташкил этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатдик, – **дейди Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва уларнинг жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳудудий бўлим бошлиғи Тожихон Ғафорова.**

***Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш умуммиллий ҳаракатнинг давомий манзиллари республикамиз бўйлаб тадбиқ этилади. Бундан асосий мақсад инсонлар саломатлигига эришишдир.***

**Ибодат СОАТОВА,**
**журналист.**

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ХУСУСИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА ЭЪТИБОР СОҲАДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТМОҚДА

**Нодавлат тиббиёт ташкилотларига шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга рухсат берилди. Улар солиқ ва бож тўловлари бўйича имтиёзларга эга бўлди. Хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий йўналишлар сони 50 тадан 129 тага кўпайди.**




Мамлакатимизда соҳага сўнгги олти-етти йилда татбиқ этилган бу каби енгиллик ва имконларни яна кўп давом эттириш мумкин. Бугун бу борадаги ислоҳотлар натижаси қандай бўлмоқда?







Аҳоли саломатлигини асраш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш борасида марра анча юқори олинган. Эътиборлиси, натижа ҳам мақсадга ҳамоҳанг. Бугунги кунда мамлакатимизда нодавлат шифо масканлари сони 8 мингтадан ошди. Бу 2016 йил билан таққосланганда икки ярим баробарга кўпайганини англатади. Аввало, бу ўзгаришларни одамлар, дардига малҳам истаётганлар ҳис этишлари керак. Пойтахтимиздаги хусусий клиникалардан бирида муракқаб жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган қизалоқнинг бувиси билан суҳбатлашиб қолдик.

– Бозорга борсанг, расталарни оралаб юриб бўлмайди. Ҳамма савдо қилгани чиққандай гўё, **– дейди сурхондарёлик онахон Қизларгул Яхшибоева.** – Бу ер шифохона, бунча бемор? Ўзи барчасига шифо берсин. Дунёси шунақа, ҳамма жойнинг қидириб келувчилари бор. Ўн икки ёшли набирамнинг юрагида дарди бор эди. Кўпчилик Ҳиндистон ёки Германияда даволатишимиз кераклигини айтишди. Суриштирдик – қиммат. Катта пулни кўлтиқлаб, чет давлатларга бориш имконимиз йўқ эди. Мушкулимиз ўзимизда, Тошкентда осон бўлди. Дўхтирларимизга раҳмат. Бугунги кунда тиббиётнинг хусусий секторида 16 минг 500 нафардан ортиқ шифокор, 26 минг нафар ҳамшира фаолият юритмоқда. Республикамиз бўйича йигирмадан ортиқ хорижий давлатлар бизнес доираларининг инвестицияси иштирокидаги 160 га яқин шифохона фаолият юритмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозим, мамлакатимизда биринчи марта робот-хирург ускунасида амалга оширилган жарроҳлик амалиёти ҳам, дастлабки кўлга киритилган халқаро тиббий аккредитация сертификати ҳам хусусий тиббиёт ташкилотида бўлди.Замонавий хусусий тиббиёт муассасалари сони ортаётгани муҳим аҳамиятга эга. Яқинда ана шундай шифо масканлари қаторига пойтахтимизда бунёд этилган "M-Clinik" кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳам қўшилади.

**Кўпчилик Ҳиндистон ёки Германияда даволатишимиз кераклигини айтишди. Суриштирдик – қиммат. Катта пулни кўлтиқлаб, чет давлатларга бориш имконимиз йўқ эди. Мушкулимиз ўзимизда, Тошкентда осон бўлди. Дўхтирларимизга раҳмат.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 18 март куни мазкур марказда амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган шароитлар билан танишган эди. Ушбу тиббиёт маркази лойиҳасига 2017 йил старт берилган. Бунинг учун 202 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилди. Муассаса учун ажратилган 8 гектардан ортиқ ҳудудда бешта даволаш блоги қурилди. Натижада 147 та стационар ўрин, 1 минг 400 та қатнов қабул қилиш қуввати яратилди.

– Ташриф давомида давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишган эди, **– дейди "M-Clinik" кўп тармоқли тиббиёт маркази раҳбари Зафар Муҳаммедов.** – Клиникани муайян йўналишлар бўйича таянч муассасага айлантириш, бу ердаги тажриба асосида шифокорлар малакасини ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар ҳам берганди. Бу бизга билдирилган жуда катта ишонч бўлди. Тиббиётда кутилган натижага эришишда малакали мутахассислар ва илғор техникаларнинг аҳамияти катта. Шу жиҳат инобатга олиниб Германия, Швейцария, АҚШ ҳамда Нидерландия давлатларидан энг замонавий тиббиёт ускуналари келтирилди. Яна бир муҳим жиҳати, лойиҳамиз тўлиқ ишга тушса, 857 та янги иш ўрни яратилади. Марказнинг йилига 5 мингта кардиохирургик, ангиохирургик, травматологик, нейрохирургик ҳамда урологик йўналишда юқори технологияли операциялар амалга ошириш имконияти мавжудлиги лойиҳанинг қай даражада йирик ва аҳамиятли эканини англатади. Бу шифо маскани ҳудудида беморлар билан ҳамроҳ бўлиб келганлар учун 120 ўринли меҳмонхона ҳам ташкил қилинди. Хаста одамнинг ёнида яқинларидан кимдир бўлса, бу унинг тез соғайишига хизмат қиладиган омиллардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 1 апрелда имзоланган "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор хусусий тиббиёт муассасаларига кенг кўламли имтиёз ва преференциялар бергани билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Ушбу ҳужжатга кўра, тақдим этилган солиқ имтиёзлари нодавлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини берди. Тежалган маблағлар муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлаш, зарур эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилиш ҳамда янги иншоотлар қуришга йўналтирилди. Шунингдек, орттирилган маблағларнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга. Демак, солиқ имтиёзлари эвазига давлат бир вақтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этди.

Фарғона шаҳридаги "Meridian" тиббиёт маркази берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб келаётган субъектлардан бири. Икки йил аввал фойдаланишга топширилган бу клиника аҳолига замонавий ташхис ва даволаш хизматлари кўрсатиб келмоқда.

– Германия, Жанубий Корея, Япония ва Хитойдан замонавий ускуналар келтирганмиз, **– дейди тиббиёт маркази раҳбари Нурилло Мамасиддиқов.** – Шифохонамиз 120 та стационар ўринга, йилига 2 мингта жарроҳлик амалиётини ўтказиш қувватига эга. 2022 йил марказимиз ҳузурида университет ҳам очдик. Айни пайтда олти юз нафар талабамиз бор. Уларга хорижлик малакали ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Бу талабалар ўзимизнинг марказда амалиёт ўтайди.

Имтиёз ва имкониятлар янги марраларга замин бўлди. Бугун бу марказ клиникалар, ташхис бўлимлари, замонавий лабораториялар ва университетни бирлаштирди. Бу ўзига хос тиббиёт кластери, деганидир.Тиббиётда хусусий секторни ривожлантириш учун яратилган шароитлар ўзини оқламоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий нодавлат шифо масканлари фаолият юритмоқда. Бу соҳада соғлом рақобат муҳитини ҳосил қилаётгани сир эмас.

***Эътиборлиси, бугун мамлакатимизда 35 та хусусий шифохона давлат буюртмасини олиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларга давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан етарли маблағ тўлаб берилмоқда. Юртимизда аҳоли соғлигини сақлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, халқимиз учун муносиб турмуш тарзини яратишга оид кенг кўламли ислоҳотлар давом этаверади.***

**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

5 МАЯ — ДЕНЬ АКУШЕРКИ

# ИСТОРИЯ И ТРАДИЦИИ ПРАЗДНИКА

**Ежегодно 5 мая свой профессиональный праздник отмечают люди, благодаря заботливым рукам которых многие из нас появились на свет. Слово «акушерка» произошло от французского «accoucher», что означает «помогать при родах». Акушерки относятся к категории среднего медицинского персонала.**

### ИСТОРИЯ

История акушерства берет свое начало еще до нашей эры. Помощники для рожениц существовали в Древнем Китае, Древнем Египте, Азии, Вавилоне, на Руси в и других странах и регионах. В научно-медицинских кругах акушерство начало развиваться в XVII веке.

Первые конференции по вопросам оказания медицинской помощи при родах стали проводиться в начале 1900-х годов. Со временем встречи стали проходить всё чаще, и в 1954 году в Лондоне было принято решение о создании Международной ассоциации акушерок (InternationalConfederationofMidwives, ICM). С того момента съезды организуют раз в три года. Цель организации – обеспечить права женщин и доступность акушерской помощи. В настоящее время Ассоциация включает в себя 142 объединения в 123 странах Европы, Азии, Африки, Северной и Южной Америки.

В ходе очередной конференции в Нидерландах в 1987 году участники предложили учредить знаменательный день акушерок в целях повышения значимости профессии в глазах общественности. Праздник появился в календаре в 1992 году и ежегодно отмечается 5 мая. Особенность сферы заключается в том, что акушерами являются преимущественно женщины. Именно в эту медицинскую отрасль впервые в истории были приняты представительницы прекрасного пола.



### ТРАДИЦИИ

Каждый год Ассоциация предлагает различные лозунги для торжества. Например, до 2015 года праздник проходил под девизом «Мир нуждается в акушерках сегодня больше, чем когда-либо». В 2023 году **девиз знаменательного дня – «Снова вместе: от доказательств к реальности».** Лозунг является отсылкой к предстоящему глобальному съезду членов организации, первому за пять лет.

Во многих странах традиционно устраивают приуроченные ко Дню акушерки семинары, конференции, шествия и концертные мероприятия. Наиболее отличившихся представителей профессии награждают почетными грамотами.

**Iz.ru.**

ТЕРМИН ДНЯ

# СИНДРОМ ЛЕДИ УИНДЕРМИР

**Нетуберкулезная инфекция дыхательных путей, вызываемая Mycobacteriumavium. История появления названия довольно странная и нетипичная, скорее всего, исходящая из ошибочных посылов.**



В 1992 году в Chest Journal два американских пульмонолога Джером Райх и Ричард Джонсон описали серию клинических случаев, шесть пожилых белых женщин без клинически выраженных проявлений, но с рентгенологическими признаками микобактериоза. Это были в остальном здоровые женщины, у которых развилась хроническая инфекция легких, вызванная микробом, который, как считалось до того, редко вызывает инфекцию у людей с нормальной иммунной системой.

Авторы выдвинули гипотезу, что причина этой необычной инфекции отчасти связана с анатомией бронхов, что затрудняло выведение мокроты из этой части дыхательных путей, а отчасти – с благородным поведением этих женщин, чьи «правильные манеры» приводили к тому, что они реже кашляют и отхаркивают слизь из легких. Райх и Джонсон придумали термин «Синдром леди Уиндермир», назвав его в честь персонажа из пьесы Оскара Уайльда («Веер леди Уиндермир»), чьи манеры викторианской эпохи не позволяли ей кашлять и сплёвывать мокроту. Авторы, скорее всего, ошибались относительно того, почему некоторые люди предрасположены к развитию персистирующей легочной инфекции, вызванной этим микобактериями, хотя наблюдение, что это чаще встречается у женщин, чем у мужчин, было верным. Да, действительно, патология чаще встречается у женщин среднего и старшего возраста с худощавым типом телосложения. До сих пор неизвестно, почему существует такая необычная восприимчивость, но в основном накапливающиеся данные свидетельствуют о том, что здесь виновны особенности иммунной системой, но никак не манеры. Среди рабочих гипотез, например, уменьшение производства интерферона-гамма, борющегося с микробами, что приводит к повышенной уязвимости к микобактериям.

**Райх и Джонсон придумали термин «Синдром леди Уиндермир», назвав его в честь персонажа из пьесы Оскара Уайльда («Веер леди Уиндермир»), чьи манеры викторианской эпохи не позволяли ей кашлять и сплёвывать мокроту.**

***Наиболее распространенной из возбудителей нетуберкулезных микобактериальных инфекций является Mycobacteriumavium-intracellulare. Важно, что они не так заразны, как туберкулёз. Заражаются чаще всего люди с фоновыми заболеваниями легких, такими как эмфизема или бронхоэктазы, но иногда наблюдаются и случаи заражения здоровых людей, особенно женщин.***

**Remedium.ru.**

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

# БОЛЕЗНИ, ПРИ КОТОРЫХ НЕ СТОИТ НАЛЕГАТЬ НА КЛУБНИКУ

**Аллергикам и людям с гастритом, энтеритом не стоит есть много клубники.**



Диетолог Анна Белоусова рассказала, что парниковая клубника, которая содержит антибиотики, угнетает микрофлору кишечника.

Ранее стало известно, что в российской клубнике обнаружили 20-кратное превышение содержания антибиотиков. Кроме того, выявлены и превышения по токсичным веществам, в том числе и в импортных ягодах — порядка 1,7 тысячи случаев с начала года. **Белоусова заявила**, что антибиотики пагубно влияют на микрофлору кишечника.

«Продукты с высоким содержанием антибиотика опасны. Они вызывают аллергию, потому что не очень хорошо очищены. Когда мы едим такую продукцию, то организм получает антибиотик, как при приеме лекарств во время болезни. Это приводит к угнетению микрофлоры кишечника, что может вызвать дисбактериоз.

Микрофлора кишечника – это наш иммунитет, наше пищеварение.

Ведь после приема антибиотиков врач назначает препараты для микрофлоры кишечника. После поедания клубники никто этого не делает», – **сказала Белоусова**.Диетолог отметила, что грунтовая клубника появится на прилавках только в июне.«Еще полтора месяца мы будем есть парниковую клубнику. Это достаточно длительное влияние на кишечник. Аллергикам не стоит есть много клубники, как и людям с хроническими заболеваниями – гастритом, энтеритом», - **резюмировала Белоусова**.

**Дмитрий ВОРОБЬЕВ.**

**ЭЪЛОН:**

**"JAHONGIR SARDOR FARM" МЧЖ номига 29.07.2022 да берилган 1000/0301/22/0037 сонли "Гаровга қўйилаётган транспорт воситасини суғурталаш" шартномасининг 028403 рақамли полиси йўқолганлиги сабаб БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА**

**Наступила весна исамые смелые юные жительницы уже сменили верхнюю весеннюю одежду на легкие короткие курточки, а брюки и джинсы — на мини-юбки, сапожки — на легкие туфли. Это, если хотите, внутренний протест: «Надоели холод, слякоть!». Но не заставит себя ждать и серьезная патология под названием цистит (от греч. «пузырь» — воспаление мочевого пузыря)... Чем грозит это «весеннее» заболевание, особенно женщинам?**

# ОСТРЫЙ ЦИСТИТ

***Найдены новые подходы к лечению распространенного «весеннего» заболевания***



И почему острый цистит случается в основном у девушек и молодых женщин? Какие новые способы его лечения используют сегодня продвинутые урологи? Представляем современный взгляд на проблему директора НИИ урологии и интервенционной радиологии им. Н.А. Лопаткина, член-корра РАН, профессора, д.м.н. **Олега Ивановича Аполихина**.

### «РЕЦИДИВ ЗАБОЛЕВАНИЯ СЛУЧАЕТСЯ У КАЖДОЙ ТРЕТЬЕЙ ЖЕНЩИНЫ, ПЕРЕНЕСШЕЙ ЦИСТИТ»

**– Олег Иванович, принято считать, что цистит – больше «привилегия» молодых женщин и девушек. Так ли это? Россиянки какого возраста чаще болеют циститом в нашей стране? И сколько человек ежегодно обращается к врачам с данной проблемой?**

– В России, согласно данным официальной статистики, ежегодно к специалистам по поводу цистита обращается более 26 млн женщин. То есть, в течение года к урологам приходит практически каждая шестая (!) россиянка заболевает циститом, а каждая вторая имеет рецидивы. При этом уже к 18-20 годам этим недугом страдает каждая пятая женщина, а к 25 годам хотя бы один эпизод инфекции мочевых путей случается у каждой третьей из них. Но нельзя утверждать, что только девушки и молодые женщины страдают циститом. Среди женщин среднего возраста эта патология встречается практически у 70%.

Цистит – не такое простое заболевание, как кажется на первый взгляд: у каждой третьей женщины, которая перенесла острый цистит, в течение года возникает рецидив заболевания, а у 10% оно переходит в хроническую рецидивирующую форму.

**– Можно ли снизить вероятность острого цистита? И что нужно делать женщинам, чтобы избежать неудобных симптомов?**

– В первую очередь, каждая женщина должна понимать, что ее здоровье в ее руках. К сожалению, в нашей стране сложилась во многом куративная система здравоохранения с добавлением превентивных подходов (диспансеризация). Это когда деньги «идут» за пациентом, и медучреждения заинтересованы принимать как можно больше больных. То есть, врач при обращении к нему пациентки с тем же циститом заинтересован только в оказании первичной помощи и помогает снять симптомы заболевания. Докторам часто не хватает времени, чтобы установить причины болезни, выяснить состояние здоровья супруга или уточнить у больной наличие сопутствующих патологий. Хотя анализ всех этих факторов зачастую позволяет предсказать развитие рецидивов цистита в будущем, а последовательное воздействие на факторы риска заболевания поможет многократно снизить вероятность рецидива. И женщины, не получив должной помощи у медицинских специалистов, начинают искать информацию в Интернете, чтобы избавиться от проблемы, и зачастую занимаются самолечением. Но... Самолечение, считаю важным это подчеркнуть, представляет опасность для здоровья: могут появиться побочные эффекты от приема препаратов, развиться резистентность (устойчивость) бактерий к антибактериальным лекарствам. Сохраняются высокие риски и появления аллергических реакций.

**– И где в таком случае выход? Сидеть и ждать, когда гром грянет?**

– Ни в коем случае не ждать. Предотвратить или снизить вероятность развития острого цистита у женщин можно с помощью комплекса профилактических мероприятий, направленных на сохранение их здоровья.

**Нельзя утверждать, что только девушки и молодые женщины страдают циститом. Среди женщин среднего возраста эта патология встречается практически у 70%.**

**–В вашей практике эти профилактические мероприятия используются? О чем речь? Поясните…**

### «СКРИНИНГИ ЦИСТИТА В ПОПУЛЯЦИИ ПОМОГАЮТ ВЫЯВИТЬ ГРУППЫ РИСКА»

– Предупредить развитие симптомов цистита в будущем помогают 3 вида профилактики. Первичная – это мероприятия, нацеленные на устранение факторов риска возникновения этого заболевания у женщин. Вторичная профилактика направлена на раннее обнаружение и лечение болезни. И третичная – это мероприятия, цель которых предотвратить осложнения цистита. Для каждого вида профилактики характерен и свой комплекс способов.

Одним из действенных мер первичной профилактики, считаю, регулярные встречи в формате врач – пациент.

Проводить профилактические мероприятия желательно не только с женщинами, но и со всеми членами их семей, особенно с супругами. Необходимо акцентировать внимание пациенток и членов их семей на таких простых моментах, как здоровое питание, регулярные физические занятия, нормальный ночной сон. Кстати, именно во время здорового сна вырабатывается ряд важных гормонов, происходит регенерация тканей, восполняются физические силы.

**– Все так. Но кто все это должен делать? Ведь один институт не в состоянии объять необъятное. И врачи поликлиник вроде тоже не обязаны заниматься профилактикой. Их задача, как вы сказали, оказывать первичную помощь, если выявилось заболевание...**

– Улучшить сложившуюся ситуацию с заболеваемостью циститом можно. Например, внедрять в практику лечебных учреждений специальные программы, ориентированные на профилактику этой болезни. А чтобы выработать приверженность женщин здоровому образу жизни, необходимо предоставить им полезную информацию, которую они могли бы использовать для улучшения своего состояния. Эта информация может быть оформлена в виде буклетов, брошюр, и она обязательно должна быть написана и утверждена представителями медицинского сообщества. Сегодня такую информацию можно передавать через СМИ, цифровые социальные сети и лечебные учреждения.

Но особое внимание хотелось бы обратить на проведение скрининга цистита в популяции, позволяющего выявлять группы риска среди населения. Скрининговое обследование в медицине – это процесс быстрой «сортировки» внешне здоровых женщин на тех, кто не страдает циститом, и тех, кто предположительно уже имеет это заболевание или факторы риска.

Впоследствии это поможет проводить профилактические мероприятия среди тех, кто находится в группе высокого риска по развитию цистита, снизить количество рецидивов заболевания и улучшить качество жизни наших женщин.

### «ПАРТНЕРСТВО» ВРАЧА И ПАЦИЕНТА – ПУТЬ К ЗДОРОВЬЮ НАЦИИ

**– Проблема, как говорится, назрела. Скажите, Олег Иванович, что надо бы сделать в нашей стране, чтобы улучшить качество оказания медицинской помощи женщинам с циститом, и не только им?**

– С точки зрения организации системы здравоохранения, считаю, что правильным является системный подход к медицине и здоровью человека вообще.

**– А о важности пресловутого индивидуального подхода к лечению больных говорится уже не одно десятилетие со всех медицинских трибун...**

– Все, да не все. Принципиально важным считаю вовлеченность пациентов в процесс лечения, так как имеется в виду «партнерство» между врачом и пациентом. Если пациент мотивирован к участию в профилактике и лечении своего заболевания, принимает на себя ответственность за свое здоровье, будет и результат.

Крайне важно отслеживать переход от здоровья к болезни у каждого конкретного человека, чтобы в дальнейшем воздействовать на эти изменения. Полагаю, что, например, системный подход к изучению иммунного ответа при цистите со временем позволит нам создавать эффективные вакцины, что приведет к снижению количества осложнений и рецидивов заболевания.

В будущем также необходимо внедрять в практику лечения генетические паспорта. Они позволят предсказывать вероятность возникновения цистита у каждой конкретной женщины, прогнозировать эффективность лечения и профилактики. Плюс цифровизация медицины. Уже сейчас «цифра» позволяет быстро распространять полезную информацию о том, как поддерживать здоровый образа жизни, что помогает профилактике возникновения того же цистита. Причем информация сразу распространяется среди женщин всех регионов страны.

***Полагаю: именно системная медицина позволит не только улучшить качество медицинской помощи в стране, но и будет способствовать сохранению здоровья женщин.***

**Александра ЗИНОВЬЕВА.**

**Cardiovascular disease is the leading cause of death worldwide, and evidence suggests that the disease process can begin at an early age. Several factors contribute to the development of GCC, more than half of the risk can be changed, including hypertension, hyperlipidemia, diabetes mellitus and smoking, while other risks are considered hereditary.**

# CARDIOVASCULAR BURDEN OF EARLY EXPOSURE TO AIR POLLUTION

A significant amount of epidemiological data has demonstrated a significant relationship between exposure to air pollution and increased risk of cardiovascular disease. The burden of diseases associated with air pollution continues to grow. The World Health Organization (WHO) estimates that ≈7 million people worldwide die annually from exposure to contaminated air, half of whom – 3.3 million - are associated with cardiovascular diseases (CVDs), which is higher than the main modifiable CVD risks, including smoking, hypertension, hyperlipidemia and diabetes mellitus. This serious and growing health threat is due to the growing urbanization of the world population, followed by exposure to polluted air. Especially vulnerable are the elderly, patients with existing cardiovascular diseases and children. The cumulative burden of children's lives is of particular concern because their rapidly developing cardiopulmonary system is more susceptible to damage and they spend more time outdoors and therefore inhale more pollutants. The World Health Organization estimates that 93% of children under 15 – 1.8 billion children - breathe air that threatens their health and development. Each year, more than 3 million people around the world die more from coronary heart disease or air–polluted stroke than from other modifiable risks of heart disease such as obesity, diabetes or cigarette smoking. Both acute and chronic exposure to components of air pollution, including fine particulate matter and polycyclic hydrocarbons, has been associated with increased cardiovascular events such as coronary heart disease, heart failure, cardiac arrhythmia, hypertension and others. Thus, there is a need to develop more effective preventive measures and health guidelines aimed at protecting the most vulnerable, especially children and the elderly.

**KULMATOV G'anijon Otakhonugli,**
**KHAKIMOVA Oliyakhon**
**Urgench branch of Tashkent Medical Academy, Urgench.**

ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ

# ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

**Рўй бераётган ёнғинлар таҳлилининг кўрсатишича, кўпчилиги аҳолини турар жойларида юзага келмоқда.**

Фавқулотда вазиятлар бўлими ходимлари доимий равишда хонадонларда бўлиб, ёнғинларга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, энг муҳими эса, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб келмоқдалар. Табиийки, ёш бола ўз ишининг оқибатини тўла тасаввур эта олмайди, қолаверса, у ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслиги мумкин. Юнусобод тумани Фавқулотда вазиятлар бўлими қуйидаги қоидаларга амал қилишингизни сўрайди.

Уйларнинг том бўғотида ҳашакларни сақламаслик, уйларнинг мўрилари ёнида ёнувчи буюмлар сақламаслик, кўп қаватли уйлар ва фуқароларга шахсий яшаш уйларида газ тармоғидан резинали шланг орқали фойдаланмаслик. Кўп қаватли уйлар ва фуқароларга шахсий хонадонларда газ плиталарини ёқиқ ҳолда қаровсиз қолдирмаслик. Кўп қаватли уйлар ва шахсий хонадонлар кўчаларини ўтиш йўлларини бетон ва темир қозиқлар билан тўсиб қўймаслик. Ёш болаларни гугурт ўйнашини тақиқлаш.

Сиз юқорида кўрсатилган тадбирларга амал қилиш билан бирга нафақат ўзингизнинг мол-мулкингизни ёнғиндан, кулфатдан асраган бўласиз, балки атрофингиздаги яқинларингиз, қўни-қўшниларингизнинг ҳам ҳаётини асраб қолган бўласиз.

**Нозим ЮСУПОВ,**
**Қорасув Қарорғоҳи Давлат Резиденцияси ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ инспектори, капитан.**

# НОСТАНДАРТ ҚУРИЛМА ВА ҚЎЛБОЛА УСКУНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

**Маълумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.**

Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун – қоидаларини тушунтириш ва ёнғин вақтида қандай ҳаракатланиш ҳамда ёнғинларни олдини олишга эътибор қаратишдан иборатдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ёнғинларнинг олдини олиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассасанинг жамоасига ҳам боғлиқдир. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида тушунтириш, очиқ оловдан фойдаланилаётганида эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ ускуналарини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола тайёрланган ускуналарни ишлатмаслик, белгиланган жойларда чекиш зарурлигини эслатиб ўтамиз.

Ушбу қоидаларга риоя қилинса, йиллаб тўпланган мол-мулк ва уй-жойни сақлаб қолиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади.

**Айдар МЎМИНЖОНОВ,**
**"Қорасув Қарорғоҳи" Давлат Резиденцияси ЁХТТЕБЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар.**

# ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Таъкидлаш муҳимки, оғриқли нуқталаримиздан бири ис газининг инсон ҳаёти учун қанчалик оғир эканлигини яхши биламиз. Ис гази инсон саломатлиги учун жуда хавфли омил бўлиб, ундан заҳарланиш жуда осон.**

Ёнғин вақтида энг хавфлиси кислороднинг етишмаслигидир, чунки ёниш жараёнида кислород жуда кўп миқдорда ишлатилади. Шунинг учун биринчи навбатда ёнғинда кислород танқислиги бошланади. Инсон кислород танқислигини ўзи сезмаган ҳолда, ис газидан заҳарланиб, юракнинг нотўғри уриши, уйлаш қобилиятини бир мунча камайиши ва аниқ ҳаракатланишга тўсқинлик қилади. Шу боис, инсон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслиги мумкин.

Оддий шароитда ёнаётган ис гази ҳидсиз ва рангсиз бўлади. Ис гази таъсирида қон кислородни қабул қилиш қобилиятини йўқотиб, бош оғриши ва кўнгил айниши бошланади. Ушбу омилларни ҳар бир инсон билиши ва ёнғин оқибатида ҳосил бўладиган ис газидан сақланиш қоидаларини билмаслик аянчли оқибатларга олиш келиши мумкин.

**Ўзингиз ва яқинларингизнинг тақдирига бефарқ бўлманг.**

**А. АЗИМОВ,**
**А. Навоий номидаги Давлат Академик катта театри ЁХТТЕБ мутахассиси, катта сержант.**

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir
O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА
t.me/o'zbekistondasog'liqnisaqlash
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
**Амрилло ИНОЯТОВ**
Бош муҳаррир ўринбосари
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда " O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana"газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникакциялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
**Таҳририят манзили:** 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
**2 босма табоқ**.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 726 дона.
Буюртма рақами Г-535.

Босмахонага топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.